



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Валиев Шамсиддин Эшпулатович** -  
Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар  
университети, Молия бошқармаси бошлиғи,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a54](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a54)

**Аннотация.** Мақолада хорижий мамлакатларда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг шакллари, хусусиятлари ва инновацион усуллари таҳлил қилинган. Ривожланиш даражаси ва даромад кўрсаткичларига кўра юқори даромадли ва ривожланган мамлакатларда олий таълим муассасаларига тегишли харажатларни молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари очиқ берилган. Олинган таҳлил натижалари асосида умумий хулосалар ва таклифлар келтириб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** бюрократик модель, коллегиял модель, бозор тамойиллари модели, молиялаштиришнинг инновацион усуллари, молиялаштириш шакллари.

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИЗДЕРЖЕК ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

**Валиев Шамсиддин Эшпулатович** -  
Начальник финансового управления Университета  
цифровой экономики и агротехнологий. Независимый исследователь  
Ташкентского государственного экономического университета

**Аннотация.** В статье анализируются формы, особенности и инновационные методы финансирования расходов высших учебных заведений в зарубежных странах. По уровню развития и показателям дохода проанализированы основные особенности финансирования расходов высших учебных заведений в странах с высоким, средним и низким уровнем дохода. По результатам анализа делаются общие выводы и предложения.

**Ключевые слова:** бюрократическая модель, коллегияльная модель, модель рыночных принципов, инновационные методы финансирования, формы финансирования.

## FOREIGN EXPERIENCE OF FINANCING COSTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

**Valiev Shamsiddin Eshpulatovich** -  
Head of Financial Department of the University of  
Digital Economics and Agrotechnologies. Independent  
researcher at Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article analyzes the forms, features and innovative methods of financing the costs of higher education institutions in foreign countries. By the level of development and indicators of income, the main features of financing the costs of higher education institutions in countries with high, middle and low incomes are analyzed. Based on the results of the analysis, general conclusions and suggestions are made.

**Key words:** bureaucratic model, collegial model, market model, innovative methods of financing, forms of financing.

**Кириш.** Сўнгги йилларда бутун дунёда олий таълимга бўлган талаб кескин ошиши натижасида мамлакатлар молиявий сиёсатида олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг самарали усуллари жорий этиш долзарб аҳамият касб эта бошлади. Олий таълим билан оммавий қамров сиёсати туфайли талабалар сонининг кескин ортиши ҳамда молиявий ресурсларнинг чекланганлик муаммоси омиллари ўртасидаги зиддият кўпгина мамлакатларда олий таълимни барқарор молиялаштириш масаласини сўроқ остида қолдирди. Давлат молиясидаги чекловлар, аҳолининг тўлов қобилиятидаги муаммолар ҳамда хусусий манбалар орқали молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларининг заифлиги ортидан

олий таълим сифати ва олий таълим олиш имкониятларининг ҳолати ёмонлашиши кузатилди. Натижада кўпгина мамлакатларнинг молиялаштиришнинг самарали ва инновацион усуллари жорий этиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ҳам ушбу халқаро жараёнларга ҳамроҳанг равишда олий таълимнинг оммавийлашув даври бошланди. Олий таълим муассасалари сони кўпаймоқда ва уларнинг нодавлат шакллари ташкил этилиши бошланди. Давлат ва нодавлат секторларининг фаоллашуви асосида молиявий ресурсларни самарали йўналтириш долзарб аҳамият касб эта бошлади. Айнан мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг хориж тажри-

басини ўрганиш ва уларни мамлакатимизда ҳам жорий этиш истиқболларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси борасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда молиялаштиришнинг хусусиятлари, шакллари, молиялаштиришнинг инновацион усуллари, нодавлат (хусусий) секторнинг ўрни ва қўллаб-қувватлаш дастурларининг ҳолати ўрганилган.

Хорижий тадқиқотчилардан D.Bruce Johnstone ва Pamela Marcucci [10], N.Birdsall [11], Mingat Alain ва Jee-Peng Tan [12], G.Psacharopoulos [13], V.Pranevičienė ва A.Pūraitė [14], С.Джамиль [6], N.Barr [15], A.Hauptman [16] кабилар ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларда олий таълим муассасаларининг таълим бериш, илмий тадқиқот ва ижтимоий хизматлар каби фаолиятларини турли ёндашувлар асосида молиялаштиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари таҳлил қилинган. Тадқиқотларда олий таълим соҳасидаги молиявий сиёсатда қўллаш учун турли хулосалар ва ечимлар таклиф этилган.

D.Bruce Johnstone ва Pamela Marcucci [10] томонидан Халқаро олий таълимни молиялаштиришнинг қиёсий таҳлили ва фойдаланиш имкониятлари (International Comparative Higher Education Finance and Accessibility (ICHEFA) Project) лойиҳаси бўйича олий таълим муассасаларини молиялаштиришда харажатларни тақсимлаш амалиётига тегишли тадқиқотлар асосида ўрганилган. Мамлакатларнинг олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштириш жараёни бутун таълим тизимининг ҳолати ва хусусиятларидан келиб чиқиши лозимлиги ҳам кўпгина тадқиқотларда таъкидланган (Mingat Alain ва Jee-Peng Tan [12]).

Тадқиқотларга кўра, мамлакатларнинг ривожланиш ва даромадлилик даражаси таълим тизими бўғинларининг молиялаштириш даражасини белгилаши кўрсатиб берилган. Яъни мамлакатларнинг паст ва қуйи ривожланганлик ҳамда даромадлилик даражаси уларнинг таълимнинг қуйи бўғинларига кўпроқ молиявий ресурсларни йўналтиришини тақозо этиши таъкидланади. Шунга кўра, одатда, юқори даромадли ва ривожланган давлатларнинг олий таълим соҳасига маблағлари ўрта ва паст даромадли мамлакатларга нисбатан юқори бўлиши кузатилади. Ушбу жиҳат таълимдан хусусий ва ижтимоий қайтим кўрсаткичлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар билан ҳам ўз исботини топганлигини қўшимча қилишимиз мумкин.

N.Birdsall [11] ва G.Psacharopoulos [13] томонидан “олий таълимга харажатларнинг миқдорлари асосида таълимнинг қайси бўғинларига молиялаштириш қандай миқдорларда бўлиши керак” деган савол асосида мамлакатларнинг таълим соҳасига қилган сарфларидан хусусий ва ижтимоий қайтим кўрсаткичлари асосида жавоб берилган. V.Pranevičienė ва A.Pūraitė [14] томонидан қилинган тадқиқотда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг асосий моделлари ва ушбу моделларнинг асосий хусусиятлари очиб берилган. Моделларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган. С.Джамиль [6] томонидан олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг мамлакатлардаги ҳозирги ҳолати ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун қўлланилаётган инновацион усуллар таҳлил қилинган. N.Barr [15], A.Hauptman [16] каби тадқиқотчилар олий таълим харажатларини молиялаштиришдаги асосий трендлар ва муаммоларни ёритган ҳолда молиялаштиришнинг муқобил манбалари ва йўллари таклиф этишган. Уларни молиявий сиёсатида қўллаётган мамлакатлар амалиётдан олинган хулосаларини тақдим этишган.

МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларидан С.А.Беляков [7], М.Н.Кулакова [8], Т.Х.Затонатска, О.Д.Рожко, И.О.Лютий, Н.В.Ткаченко ва О.Й.Анисимова [9] каби тадқиқотчилар олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда хориж амалиётининг турли жиҳатларини тадқиқ этишган. Тадқиқотларда мамлакатларнинг олий таълим соҳасини молиялаштириш моделлари, уларнинг хусусиятлари ва муҳим жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги тажрибасини ўтиш даврида олий таълим соҳасидаги молиявий ислохотларда қўллаш борасида ҳам турли фикрлар билдирилган. МДХ мамлакатларида қилинган тадқиқотларнинг асосий жиҳати хорижий тажрибани ўтиш даврида олий таълим соҳасининг давлат томонидан молиялаштиришда қўлланилиши истиқболларига қаратилганлигидадир.

С.А.Беляков ва бошқалар [7], шунингдек, М.Н.Кулакова [8] томонидан олиб борилган изланишларда хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тажрибасини Россия Федерацияси олий ўқув юртларида қўллаш истиқболлари таҳлил этилади.

Сўнгги вақтларда МДХ мамлакатларининг деярли барчасида олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг директив моделдан кетиш ҳамда бозор тамойилларига ва рақобатли муҳитга мос молиялаштириш усулларига ўтиш йўлидан борилмоқда. Айнан шу туйғайли тадқиқотларнинг кўпчилигида ушбу йўналишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдала-

нишга асосий урғу қаратилганлигини кўриш мумкин.

Т.Шевченко номдаги Киев Миллий университети тадқиқотчилари Т.Х.Затонатска, О.Д.Рожко, И.О.Лютый, Н.В.Ткаченко ва О.Й.Анисимованинг[9] олиб борган тадқиқотларида олий таълим харажатларини муқобил молиялаштириш манбаларини ўрганиш орқали хусусий манбаларнинг ролини ошириш борасида таклифлар келтириб ўтилган. Хусусан, эндаумент фондлар ва талабаларни қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали молиялаштиришни ташкил этишга қаратилган амалиётларни чуқур таҳлил қилиш ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади эканлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимиз тадқиқотчиларидан А.Э.Азимов [1], А.Б.Шеров[2], М.А.Шарапова [3], Х.Режапов [4] кабилар ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларда хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш орқали инсон капиталига қай даражада ижобий таъсир кўрсатаётганига урғу берилган [1].

А.Б.Шеров томонидан [2] АҚШнинг олий таълим тизимини молиялаштириш тажрибаси таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотда АҚШда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбалари, таснифланиши ва асосий хусусиятлари кўриб чиқилган. Муаллифнинг хулосасига кўра, АҚШда талабалар ва ота-оналарнинг олий таълим харажатларини молиялаштиришдаги ҳиссаси сарфларнинг 45-50 фоизигача тўғри келади. Бу эса олий таълим муассасаларининг нуфузига ижобий таъсир қилганлиги таъкидланади.

М.А.Шарапова[3] томонидан хориж тажрибаси таълим тизими кесимида таҳлил қилинган ва мамлакатларнинг таълим харажатлари ЯИМдаги улуши, молиялаштириш манбалари ва усуллари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси таълими тизимини молиялаштириш амалиётида фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари кўриб чиқилган.

Х.Х.Режапов[4] томонидан хорижий мамлакатларда олий таълим тизимини молиялаштириш моделлари олий ўқув юртларини бошқариш муаммоларини қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганилган. Олий таълим тизимини халқаро таълим тизими билан боғлиқликда олиб боришни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда, асосан, таҳлил, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш ва солиштириш, шунингдек, дедуктив ва индуктив таҳлил асосида ёндашувлардан фойдаланилган. Тадқиқотда, асосан, мамлакатларнинг олий таълим тизими ва умумий хусусиятларини гуруҳлаш орқали уларнинг молиялаштириш ҳолати-

ни таҳлил қилиш кўзда тутилган. Ҳар бир гуруҳ учун тегишли хусусиятларнинг ҳолати ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва аниқлаш орқали молиялаштириш усуллари ва моделларини қўллаш бўйича хулосалар олинган ва уларнинг истиқболлари борасида таклифлар келтирилган. Асосий хусусиятлар ва кўрсаткичлар борасида тегишли илмий тадқиқотлар ва расмий манбалар, шунингдек, олий таълимдаги молиявий сиёсат борасида ишлаб чиқилган давлатларнинг махсус дастурларига мурожаат қилинган.

**Таҳлил ва натижалар.** Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ҳар бир мамлакатнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши мумкин:

1) давлатларнинг тараққиёт ва даромадлилик даражаси, унинг фаровонликка эришиш ҳолати;

2) давлатларда амал қилувчи сиёсий тизим ҳамда уларда мавжуд ҳукмрон мафкуравий қарашлар;

3) давлатлардаги иқтисодийнинг асосий хусусиятлари;

4) мамлакатларда демографик омилларнинг жорий ва истиқболдаги ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда;

5) мамлакатларда саноат ва иқтисодийнинг реал сектори аҳволи;

6) мамлакатларда олий таълим тизимининг асосий хусусиятлари (унинг тарихи, олий таълим билан қамров даражаси, давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларининг нисбати ва ҳ.к.).

Одатда, бутун дунёда олий таълим муассасаларини ташкил этиш ва бошқаришнинг (тартибга солишнинг) иккита йирик қутб асосида шаклланганлигини кўриш мумкин. Биринчи қутб, олий таълим муассасаларининг номарказлашган ва эркин фаолиятига асосланган либерал (атлантика) модели ҳисобланади. Иккинчи қутб, нисбатан олий таълим муассасаларининг молиявий жиҳатдан марказлашганлик ва академик жиҳатдан эркинлик тамойиллари асосида ташкил этувчи континентал модели. Шунингдек, баъзи манбаларда ушбу икки йирик қутблардан ташқари қатъий марказлашган ва академик жиҳатдан марказлашган тамойиллар асосида ташкил этилувчи “директив” қутб ҳам фарқланади. Ушбу оралиқ қутбни Хитой ва МДҲ ҳудудидаги кўпгина давлатларга хослиги таъкидланади. Бироқ сўнгги йилларда ушбу мамлакатларда ҳам ушбу қутбдан “кегиш” ҳолати кузатилмоқда. Ушбу давлатлардаги олий таълим муассасаларини бошқариш ва молиялаштириш у ёки бу моделга мувофиқ тамойилларга мослаштирилмоқда ва бу масалада турли ислохотлар жорий этилмоқда.

Сўнги вақтларда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг қуйидаги учта шакли ажратиб кўрсатилади [14]:

1) **Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг бюрократик шакли (усули) (bureaucratic model)**. Ушбу усулда олий таълим муассасаларини молиялаштиришга масъул бўлган тегишли давлат ваколатли органлари томонидан молиялаштириш ишлари амалга оширилади. Тизим иштирокчиларининг ваколатлари, вазифалари ва мажбуриятлари қонун ва қонун-ости актлари билан белгилаб қўйилган бўлади. Молиялаштиришни ташкил этиш тартиблари, ҳисобот топширишга тегишли тартиблар ва режалаштириш ишлари бўйича регламентлар қатъий ўрнатилган бўлади.

2) **Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг жамоавий (коллегиал) шакли (усули) (collegial model)**. Ушбу шаклда олий таълим муассасаларини молиялаштириш жараёнига алоқадор бўлган деярли барча иштирокчиларнинг фаол жалб этилиши орқали олий таълим харажатларини молиялаштириш манбалари ҳамда нарх қўллаш шакллари нисбатан эркинлаштирилган тамойиллар асосида ташкил этилади. Ушбу жараёнга аудит хизмати ва турли келишувлар, давлат буюртмалари институтлари каби унсурлар жорий этилади.

3) **Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг бозор тамойиллари асосида ташкил этиш шакли (усули) (market model)**. Ушбу усулда тизим иштирокчилари ҳисобланган барча субъектлар (давлат, буюртмачилар, талабалар ва барча хусусий манбалар) ўртасидаги муносабатлар бозор тамойиллари асосида тартибга солинади ва ташкил этилади. Тўлов шартнома нархлари ва қабул кўрсаткичлари эркин белгиланади. Харажат йўналишлари ва уларнинг миқдорлари ички талабдан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари томонидан мустақил равишда белгиланган дастурлар ва режалар асосида ташкил этилади.

Тегишли равишда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштириш моделларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Марказлашган ҳолда молиялаштириш ва тегишли қарорларни қабул қилиш, харажатлар миқдорларини маълум бир қатъий нормативлар асосида режалаштириш ва тўлов шартнома қийматларини маълум бир ижтимоий тамойиллар асосида назорат қилиш бюрократик моделга хос бўлса, молиявий мустақиллик ва бошқарувдаги автоном тамойилларнинг жорий этилганлиги коллегиал моделга хосдир. Сарфларни бозор тамойиллари асосида режалаштириш ва тарифлар сиёсатидаги мослашувчанлик учинчи моделнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларини молиялаштиришга тегишли бўлган стратегия ва тактиканинг йўналганлик хусусиятлари асосида қуйидаги учта шакллари ажратиб кўрсатилади: эркин бозор муносабатларига йўналтирилган молиялаштириш, “умумжамият фаровонлиги”ни таъминлашга йўналтирилган ҳамда бозор тамойилларини қўллаб-қувватлашга йўналган молиялаштириш, ижтимоий тамойиллар асосида йўналтирилган молиялаштириш стратегияси. Эркин бозор муносабатларига ва “умумжамият фаровонлиги”ни таъминлашга йўналтирилган стратегиялар, асосан, натижага йўналган бўлиб, харажатлар миқдорини ва уларни қатъий режа асосида назорат қилишни пировард мақсад сифатида қўймайди. Ижтимоий тамойиллар асосида йўналтирилган молиялаштириш стратегиясига кўра, барча учун тенг имкониятлар тамойили асосида молиялаштириш ташкил этилиши назарда тутилади. Қайд этиш лозимки, бутун дунёда у ёки бу стратегиянинг мутлақ татбиқ этилиш ҳолатлари камдан-кам кузатилади. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ушбу стратегияларнинг қоришмасидан иборат ёндашувлар асосида, қайсидир жиҳатларга устуворлик берган ҳолатда ташкил этилади.

Бозор тамойилларига устуворлик бериш асосида молиялаштириш Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Шотландия, Жанубий Африка, Янги Зеландия каби мамлакатларда ташкил этилади. Шунингдек, сўнги йилларда Швеция, Нидерландия, Испания ва Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатларида ҳам бозор тамойилларига устуворлик бериш асосида молиялаштириш усуллари кенг қўлланилишини кўриш мумкин.

“Умумжамият фаровонлиги”ни таъминлашга йўналтирилган ҳамда бозор тамойилларини қўллаб-қувватлашга йўналган молиялаштириш шакллари, асосан, континентал Европа мамлакатлари бўлган Франция, Италия, Германия ва Скандинавия мамлакатларида кузатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг деярли барчасида олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бўлиб қолмоқда. Айнан мана шу хусусиятни ҳисобга олган ҳолда кўпгина давлатлар олий таълим муассасаларига етарлича автономлик берган ҳолда уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлаш чораларини пировард мақсад сифатида қўймоқда. Ушбу жараёнда олий таълим муассасалари ва давлат тегишли органлари ўртасида ўзига хос бўлган шартномавий муносабатлар асосида очиқ ҳисобдорлик тамойилларини жорий этиш назарда тутилади. Шартномавий муносабатларда қабул кўрсаткич-

лари, илмий фаолият натижалари, тадқиқот ишлари бўйича кўрсаткичлар ва таълим сифати, иш билан таъминланиш бўйича кўрсаткичлар каби мезонлар жорий этилиши мумкин. Шу каби мезонлардан олий таълим муассасалари харажатларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун қўллаш кўзда тутилади.

Шунингдек, давлат ва олий таълим муассасалари муносабатларида молиялаштиришнинг тўғридан-тўғри (бевосита) ва билвосита усуллари амал қилишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бевосита молиялаштириш усулида молиявий ресурслар олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган режалар (сметалар) ва талаблар (эҳтиёжлар) асосида уларнинг ўзларига тўғридан-тўғри ажратилади.

Билвосита молиялаштириш усулида эса олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган ресурслар талабалар орқали уларга нисбатан ваучерлар бериш, имтиёзлар бериш, қарз бериш ёхуд кечиктириб тўлаш каби усулларни қўллаш орқали ташкил этилиши мумкин.

Баъзи мамлакатларда юқорида қайд этилган икки усулнинг қоримасидан иборат бўлган аралаш усуллардан ҳам фойдаланилиши кузатилади. Ҳар бир ёндашувнинг ўзига хос камчиликлари ва афзалликлари мавжудлиги қайд этилади.

Сўнгги вақтларда иккала ёндашувнинг афзаллик ва камчиликларини тадқиқ этган ҳолда молиялаштиришнинг янги инновацион усуллари ҳам жорий этилаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг инновацион усуллари [6]**

	<b>Келишилган тақсимот асосида (Negotiated Allocations)</b>	<b>Рақобат тамойиллари асосида тақсимот (Competitive Mechanisms)</b>
<b>Бевосита (тўғридан-тўғри) молиялаштириш шакли (таклиф асосида) (Supply-side)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Натижага таянган шартномалар (келишувлар) асосида молиялаштириш (Австрия, Дания, Франция, Финляндия, Испания, Чили, АҚШ (айрим штатларида));</li> <li>– Белгиланган талабларни бажариш учун шартномалар асосида молиялаштириш (ЖАР, АҚШ (айрим штатлари)).</li> </ul>	Рақобатли фондлар тақсимоти (Индонезия, Шри-Ланка, Мозамбик, Гана, Аргентина, Чили, Боливия, Болгария, Венгрия, Миср, Тунис)
<b>Билвосита молиялаштириш шакли (талаб омили асосида) (Demand-side)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Талабаларнинг даромадларига боғланган қарз бериш амалиёти асосида молиялаштириш (Таиланд, АҚШ, ЖАР, Янги Зеландия, Австралия, Швеция);</li> <li>– Инсон капитали учун шартнома тузиш (Чили, Германия, АҚШ);</li> <li>– Универсал ваучерлар (АҚШ, Болгария);</li> <li>– Бутун ҳаёт давомида таълим олиш учун ҳисоблар бериш орқали молиялаштириш (Канада, Швеция, Буюк Британия).</li> </ul>	Танлов асосида ваучерлар бериш орқали молиялаштириш усули (Қозоғистон, Чили, Грузия, Венгрия)

Тадқиқотларда ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат томонидан олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг куйидаги шакллари келтириб ўтилган [5]:

1. Олий таълим муассасаларининг жорий ва капитал харажатларини тўғридан-тўғри (бевосита) молиялаштириш (смета орқали).

2. Ўрта мактаб битирувчиларига ваучерлар тақдим этиш орқали молиявий ресурсларни олий таълим муассасалари ўртасида тақсимлаш.

3. Олий таълим муассасаларини сифат кўрсаткичлари ва натижадорлигига қараб молиялаштириш (таълим бериш, илмий фаолият ва битирувчилар сифати каби кўрсаткичларга асосан).

4. Грантлар, субсидиялар ажратиш орқали олий таълим муассасаларини молиялаштириш.

5. Имтиёзли таълим кредитлари тақдим этиш орқали билвосита молиялаштириш.

6. Ота-оналарга солиқ имтиёзлари бериш орқали билвосита кўмак кўрсатиш орқали молиявий ресурсларни олий таълим муассасаларига йўналтириш.

Кўпгина мамлакатларда олий таълим муассасаларига илмий тадқиқот ишланмалари ва бошқа фаолият натижаларини ҳисобга олманган ҳолда икки хил манбалар орқали маблағлар йўналтирилади. Булар: давлат молияси ва тўлов-контракт суммалари (tuition fees) орқали молиялаштиришни ташкил этиш. Давлат молияси орқали жалб қилиш, асосан, солиқ тўловчилар зиммасига тушганлиги туфайли кўпгина муҳокамалар ушбу молиялаштириш усулини такомиллаштириш атрофида юз беради.

Айнан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга устуворлик берувчи ва “ижтимоий давлат”

(welfare state) тамойилига кўра таълимни молиялаштирувчи мамлакатларда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда давлат молиясининг улуши юқорилиги кузатилади. Аксинча, максимал аралашмаслик (халақит бермаслик) (Laissez-faire) тамойили асосида ёндашувчи мамлакатлар олий таълим харажатларини молиялаштиришда хусусий манбаларга устуворлик бериши кузатилади. Иккала ёндашувнинг ҳам ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд бўлиб, мутлақ битта ёндашув асосида олий таълим харажатларини молиялаштириш, одатда, ҳеч бир мамлакатда кузатилмайди.

Кузатишларга кўра, юқори даромадли ва ривожланган мамлакатларда юқори тўлов-контракт тўловлари ва хусусий манбаларнинг кенг қўлланилиши қайд этилса, ўрта ва паст даромадли, ривожланаётган мамлакатларда давлат молиясининг ўрни юқори эканлигини кўриш мумкин.

Олий таълим муассасаларини молиялаштиришни мамлакатларнинг иқтисодий ва даромадлилик нуқтаи назаридан ривожланиш даражасига қараб, олий таълимдаги қўллаб-қувватлаш дастаклари, давлат ва нодавлат (хусусий) сектор улуши, таълим хизматлари учун тарифлар белгилаш сиёсатлари бўйича гуруҳлаган ҳолда таҳлил қилиш мумкин бўлади. Мамлакатларнинг олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштириш ҳолатини қуйида келтирилган тўртта умумий жиҳатлар асосида таҳлил қилишимиз мумкин:

1. Мамлакатларда таълим учун тўлов-контракт суммалари(ТКС)ни қўллаш борасидаги сиёсат.

2. Олий таълимни молиялаштиришда талабалар ва уларнинг ота-оналарининг ҳиссалари (иштироки).

3. Давлат томонидан олий таълимни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳолати.

4. Давлат томонидан нодавлат (хусусий) олий таълим секторининг расмий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳолати.

Юқорида қайд этилган тўртта жиҳат асосида юқори даромадли ҳамда ривожланиш даражасига эга мамлакатларда олий таълим соҳасини молиялаштиришнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилишимиз мумкин.

Юқори даромадли ва ривожланган мамлакатларда олий таълим муассасаларини молиялаштириш кўпроқ бозор тамойиллари асосида ва натижага йўналтирилган бўлиб, кучли рақобат муҳити асосида молиявий ресурсларни тақсимлашга асосланади [10].

Давлат томонидан билвосита таъсир этиш дастаклари ишлаши ва мақсадли йўналтирилган молиялаштириш дастурларининг фаол ва кенг қамровли қўлланилиши ушбу мамлакатлар тажрибасида кўп учрайди.

Ривожланган ва юқори даромадли мамлакатларда тўлов-контракт суммаларини олий таълим муассасалари томонидан эркин жорий этиш асосида уларнинг юқори ва ўртача миқдорлари кенг жорий этилганлигини қайд этиш мумкин. Континентал Европа мамлакатлари бундан мустасно бўлиб, уларда номинал (паст) ёхуд умуман, тўлов-контракт суммалари жорий этилмаслиги кузатилади (2-жадвал).

2-жадвал

Юқори даромадли ривожланган мамлакатларда тўлов-контракт суммалари шаклланиши ҳолати [10]

Тўлов-контракт суммаларини жорий этиш ҳолати*	Юқори	Австралия, Канада, Англия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ
		Ўрта
	Номинал (паст) ёки мавжуд эмас	Австрия, Франция, Германия, Ирландия
Тўлов-контракт суммаларини амалга ошириш талаблари	Олдиндан тўлов (Up front payments)	Австрия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Португалия, Нидерландия
	Кечиктириб тўлаш (deferred payments)	Австралия, Англия, Янги Зеландия

\*Номинал (1000 АҚШ долларида кам), ўртача (3000 АҚШ долларида) ва юқори (3000 АҚШ долларида юқори)

Ушбу мамлакатларда тўлов-контракт суммаларини амалга оширишнинг, асосан, иккита шакли амал қилади. Булар тўловларни олдиндан амалга ошириш (Up front payments) шакли ва тўловларни кечиктириб (ортга суриб) амалга ошириш (deferred payments) шаклларидир.

Олий таълим харажатларини молиялаштириш жараёнида талаба, унинг ота-оналари

иштироки (харажатларни бўлишиш тамойили) ҳамда ҳиссаси ҳолатига кўра, уларнинг тўлов-контракт суммаларига нисбатан ва талабаларнинг турар жой билан таъминлаш харажатларига нисбатан ҳолатини таҳлил қилишимиз мумкин бўлади (3-жадвал).

Юқори даромадли ривожланган мамлакатларда талаба, унинг ота-оналарининг ТКС ва яшаш сарфларидаги иштироки [10]

ТКС миқдорига нисбатан	Мавжуд	Австралия, Австрия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Нидерландия, Португалия, АҚШ
		Мавжуд эмас
Талаба турар жой харажатларига нисбатан	Мавжуд	Австралия, Австрия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Нидерландия, Португалия, АҚШ, Шотландия, Янги Зеландия, Ирландия, Франция, Англия
	Мавжуд эмас	Норвегия, Швеция

Давлат томонидан олий таълимга тегишли (таълим бериш, турар жой билан таъминлаш ва шу кабилар) харажатларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш ҳолатини қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил қилишимиз мумкин (4-жадвал):

- давлат томонидан грантлар бериш амалиёти;
- таълим учун қарз бериш амалиёти;
- овқатланиш ва яшаш учун субсидиялар ҳамда стипендиялар бериш амалиёти.

Юқори даромадли ривожланган мамлакатларда давлат томонидан олий таълимга тегишли асосий харажатларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш ҳолати [10]

Грантлар бериш амалиёти	Таълим учун	Австрия, Канада, Нидерландия, АҚШ
		Яшаш учун
	Мавжуд эмас	Япония, Жанубий Корея
Қарз бериш амалиёти	Таълим учун	Австралия, Австрия, Канада, Англия, Япония, Жанубий Корея, Нидерландия, Янги Зеландия, Португалия, АҚШ
	Яшаш учун	Канада, Англия, Франция, Япония, Нидерландия, Янги Зеландия, Португалия, Норвегия, Шотландия, Швеция, АҚШ
	Мавжуд эмас	Ирландия
Овқатланиш ва яшаш учун субсидия ва стипендиялар бериш амалиёти	Овқатланиш учун	Португалия
	Яшаш учун	Австралия, Франция, Нидерландия, Янги Зеландия, Португалия
	Транспорт учун	Австралия, Австрия
	Мавжуд эмас	Канада, Англия, Германия, Ирландия, Япония, Жанубий Корея, Норвегия, Шотландия, АҚШ, Швеция

Олий таълим сарфларини молиялаштиришда нодавлат (хусусий) тармоқнинг ўрни ҳам юқори даромадли ва ривожланган мамлакатларда турли кўринишда намоён бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ушбу жараёнда нодавлат (хусусий) тармоқ(сектор)ни бевосита (операцион харажатларни ва капитал сарфларни молиялаштириш орқали) ва билвосита

(талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали) қўллаб-қувватлаш дастаклари ҳолатини таҳлил қилишимиз мумкин. Олий таълимга қабул кўрсаткичларида нодавлат (хусусий) олий таълим муассасаларининг улушларига кўра минимал (10 %дан кам), ўрта (10-25 %) ва кенг (25 %дан юқори) даражаларини таснифлашимиз мумкин бўлади (5-жадвал).

Юқори даромадли ривожланган мамлакатларда давлат томонидан нодавлат (хусусий) секторни қўллаб-қувватлаш ҳолати [10]

Рағбатлантириш шакли	бевосита (операцион харажатлар ва капитал сарфларни молиялаштириш)	-
		билвосита (талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш)
	Аралаш (ҳам бевосита, ҳам билвосита)	Австралия, Канада, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Нидерландия, Янги Зеландия, Португалия, Шотландия, Швеция, АҚШ
Нодавлат сектор кўлами	минимал (10 %дан кам)	Австралия, Австрия, Канада, Англия, Ирландия, Германия, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Шотландия, Швеция,
	ўрта (10-25 %)	Франция, АҚШ
	кенг (25 %дан юқори)	Япония, Жанубий Корея, Португалия

Юқорида таҳлил қилганимиздек, юқори даромадли ва ривожланган мамлакатларда олий таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда давлатнинг бевосита ёхуд билвосита дастаклар орқали иштироки юқори деб баҳолаш мумкин. Айнан мана шу сабабли ушбу мамлакатларда харажатларни тақсимлаш сиёсатини жорий этиш ҳамда қарз бериш ва кечиктириб тўлаш дастурларни кенг жорий этиш орқали тўлов-контракт суммаларининг ўрнини оширишга қаратилган ташаббуслар кўп учраётганлигини қайд этиш мумкин. Ушбу мамлакатларнинг деярли барчасида олий таълим муассасалари харажатларини ошириш туфайли юзага келадиган ижтимоий оқибатларни камайтириш, юмшатиш учун давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастурлари ўрнини ошириш борасида ҳам бир қанча таклифлар ишлаб чиқилганлигини қайд этиш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Турли мамлакатларнинг олий таълим харажатларини молиялаштириш ҳолатини таҳлил қилар эканмиз, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шу нарса маълум бўладики, қуйидаги йўналишлардаги ишларнинг самарали ташкил этилганлигига қараб у ёки бу давлатда олий таълимни молиялаштиришни баҳолаш имкониятига эга бўламиз:

1. Олий таълим соҳаси таълимнинг бошқа бўғинлари билан ҳамоҳангликда қанчалик диверсификациялашган (тармоқ диверсификацияси масаласи)? Мисол учун, кўпгина ривожланган давлатларда икки йиллик касбий таълимнинг яхши ишлаши, яъни касбга йўналтирилган таълимнинг самараси ўлароқ, олий таълим тизимига молиявий босим 40 фоизгача пайсатирилиши кузатилади [10]. Айнан бундай тармоқнинг диверсификациялашуви таълимнинг бўғинлари ўртасида “молиявий юк”нинг нисбатан барқарор тақсимланишини англатади.

2. Самарали ташкил этилган нодавлат таълим тизими. Таълимнинг барча бўғинларида нодавлат (хусусий) таълим секторининг кенг, самарали ва барқарор фаолият юритиши натижасида давлат молияси ва солиқ тўловчиларга нисбатан “оғриқсиз” таъсир кузатилади. Бундай тизим олий таълим соҳасидаги соғлом рақобат муҳити билан ҳамоҳанг равишда ташкил этилиши молиявий самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади.

3. Давлат олий таълим муассасаларининг деярли кўпчилигида тўлов-шартнома нархлари таълим бериш сарфларининг 20-45 фоизини ташкил этади. Бу эса тўлов қобилиятига мослашиш ва қамровни таъминлашга жуда яхши зармин яратади.

4. Олий таълим муассасаларига жуда хилма-хил, диверсификациялашган ва мослашувчан молиявий дастакларнинг жорий этилганлик ҳолати. Бунда федерал, маҳаллий даражадаги бюджетлар, хусусий манбалар, турли ҳомийлик институтларидан (эндаумент ва васийлик фондлари каби) грантлар, қарзлар ва субсидияларнинг самарали жорий этилганлиги тушунилади.

Мамлакатимизда ҳам олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясига кўра, тармоқда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қамровни ошириш ҳамда нодавлат сектор ўрнини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш ва уларни нисбатан бозор тамойиллари асосида молиялаштиришга ўтилмоқда. Қолаверса, нодавлат олий таълим муассасаларига ҳам давлат буюртмаси институтини қўллаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Айнан юқорида қилинган таҳлиллар натижасида мамлакатимиз олий таълим тизимини молиялаштиришда қўллаш мумкин бўлган баъзи жиҳатларни келтириб ўтишимиз мумкин:

**Биринчидан,** мамлакатимизда давлат бюджети маблағларини олий таълим муассасаларига ажратишнинг синондан ўтган самарали усулларини босқичма-босқич қўллаш амалиётига ўтиш лозим. Ҳолатга қараб булар бевосита ва билвосита усуллар бўлиши мумкин. Аммо конкрет қайси усуллар эканлиги алоҳида тадқиқотлар орқали тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан,** давлатнинг олий таълим тизимига алоқадор субъектлар (талаба, унинг ота-оналари, олий таълим муассасалари ва уларни молиялаштиришга масъул бўлган органлар) орқали қўллаб-қувватлаш дастурларини тизимли ташкил этишни кўзда тутувчи бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан,** олий таълим муассасаларининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда уларнинг натижадорлигини таъминловчи кўрсаткичлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим. Бу орқали уларнинг молиявий ресурсларни жалб қилишидаги рақобатли муҳитни шакллантиришга эришилиши мумкин.

**Тўртинчидан,** олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш бўйича бошланган ислохотларни самарали якунига етказиш.

**Бешинчидан,** мамлакатда нодавлат (хусусий) олий таълим тармоғига тегишли қонуний, ташкилий ва бошқа қўллаб-қувватлаш дастурларини жонлантириш орқали уларнинг ўрнини кенгайтириш.



**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азимов А.Э. Таълим тизимини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси. // Современное образование (Узбекистан). 2014. №. 2. С. 17-21.
2. Шеров А.Б. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг АҚШ тажрибаси. // Scientific progress. 2021. Т. 1. №. 6. С. 972-978.
3. Шарапова М.А. Таълими тизимини молиялаштириш амалиётининг хориж тажрибаси. // Журнал "Инновации в Экономике". 2022. Т. 5. №. 2.
4. Rejarov X. Олий таълим тизимида хориж тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2017. №. 2. С. 11-21.
5. Мажитова С.К. Современные источники финансирования высшего образования. 2017, 105-бет.
6. Джамиль С. и др. Сценарии устойчивого финансирования высшего образования. // Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика. 2010. Т. 5. №. 1. С. 79-96.
7. Модели финансирования вузов: анализ и оценка. / Под ред. С.А.Белякова. – М.: ИЭПП, 2005. С. 282.
8. Кулакова М.Н. Международные модели финансирования вузов и их применение для вузов России в период реформирования системы высшего образования. // Территория новых возможностей. Вестник Владивостокского государственного университета экономики и сервиса. 2011. №. 1 (10). С. 51-60.
9. Zatonatska T.H., Rozhko O.D., Lyutyu I.O., Tkachenko N.V. & Anisimova O.Y. Global Practices of Higher Education Financing: Approaches and Models. 2019.
10. Financing Higher Education Worldwide: Who Pays? Who Should Pay? by D. Bruce Johnstone and Pamela Marcucci. Baltimore: Johns Hopkins University Press, 2010. – 322 pp.
11. Birdsall N. Public spending on higher education in developing countries: too much or too little? // Economics of Education Review. 1996. Т. 15. №. 4. P. 407-419.
12. Mingat Alain and Jee-Peng Tan. The full social returns to education: Estimates based on countries' economic growth performance. 1996.
13. Psacharopoulos G. Public Spending on Higher Education in Developing Countries: Too Much Rather Than Too Little. // Economics of Education Review. 1996. Т. 15. №. 4. P. 421-22.
14. Pranevičienė B., Pūraitė A. The financing methods of higher education system. // Jurisprudencija. 2010. Т. 122. №. 4. P. 335-356.
15. Barr N., Crawford I. Funding higher education in an age of expansion. // Education Economics. 1998. Т. 6. №. 1. P. 45-70.
16. Hauptman A.M. Higher education finance: Trends and issues. // International handbook of higher education. – Springer, Dordrecht, 2007. P. 83-106.
17. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси ахборот тизими. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



## СОЛИҚДАН ҚОЧИШ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Ахмедов Феруз Баходирович -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a55](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a55)

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикамізда сўнги йилларда мамлакатда солиқ ва молия соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бизнес доираларининг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар ёритилган. Шу билан бирга, иқтисодиётда яширин айланма савдо ва умумий овокатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳалар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, илгор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

## АНАЛИЗ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ УКЛОНЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ И ЕГО СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОСЛЕДСТВИЙ

**Ахмедов Феруз Баходирович -**

Независимый исследователь Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В данной статье описаны широкомасштабные реформы, направленные на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой и финансовой сферах, улучшение инвестиционного климата и дальнейшее укрепление доверия деловых кругов к нашей республике за последние годы. При этом были изучены такие направления, как подпольная торговля и общепит, перевозки автотранспортом, жилищное строительство и ремонт, оказание бытовых услуг, сформированы научно-практические выводы и предложения по зарубежному опыту и его применению в нашей стране.

**Ключевые слова:** налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.